Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 16 январь, № 12 (7514) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЭКСПОРТ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 январь куни экспорт, инвестиция ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Жаҳонда иқтисодий рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда барқарорликнинг асосий омили ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллашдир.

Экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида ўтган йили мамлакатимиз экспорти ҳажми 28 фоиз ўсди. Ҳудудий саноат экспорти қарийб 2 баробар ошди.

Мазкур йўналишдаги кўрсаткичларни янада ошириш мақсадида бу йилдан бошлаб прогноз кўрсаткичларини белгилаш ва мониторинг қилиш бўйича янги тизим жорий этилди. Аввалам бор, экспорт прогнози 3 йиллик қилиб тасдиқланди. 2020 йил режаси ўтган йилгига нисбатан 22 фоиз кўп белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида экспорт, инвестиция ва маҳаллийлаштириш йўналишларига масъул мутасаддиларнинг вазифалари кўриб чиқилди. Ҳар бир доллардан унумли фойдаланиш бўйича ҳудудлар ва тармоқлар раҳбарларининг шахсий масъулияти белгиланди.

Давлатимиз раҳбари бундан буён тармоқ ёки ҳудуднинг масаласи деган сансалорлик бўлмаслиги, экспорт прогнози ижросини таъминлашга ҳар бир вазир, хўжалик бирлашмаси раҳбари ҳоким билан бирга теппа-тенг жавоб беришини таъкидлади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига жорий йилги экспорт прогнози ижросини тўлиқ таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқиб, маҳсулотларни қаерга, қачон экспорт қилиш ва буни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш вазифаси қўйилди.

Тўқимачилик, мева-сабзавотчилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ва автомобиль саноати каби етакчи тармоқлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

"Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасига пахта толасини қайта ишлаш қувватларини 80 фоизга етказиш, янги корхоналар ҳисобига экспорт номенклатурасини диверсификация қилиш ҳамда географиясини кенгайтириш топширилди.

Мамлакатимиз экспортёрларининг салоҳиятли бозорларга киришини енгиллаштириш учун имтиёзли савдо режимини жорий этиш, «GSP+» умумий преференциялар тизимига қўшилиш юзасидан ҳам кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда мева-сабзавотлар экспорти масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

Мева-сабзавот экинларини экспорт талабидан келиб чиқиб оптимал жойлаштириш, салоҳиятли ташқи бозорларда савдо уйлари ва дилерлик тармоқларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Ихтисослаштирилган 55 та туманда мева-сабзавотлар етиштиришни кластер шаклига ўтказиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

ҚАЛМОҚҚИР БЎЙЛАБ ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ

руда ташиш йиллик қувватини 35 миллион тоннага етказиш имконини беради

Қарор ва ижро

Заминимиз ноёб ва қимматбаҳо маъданларга бой. Уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш эса кончилар ва металлургларимиздан катта меҳнатни талаб этади. Шу боис давлатимиз ушбу соҳага ихтисослаштирилган йирик саноат субъектлари фаолиятини ривожлантиришга доир истиқболли лойиҳаларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келади. Эътиборлиси, бу йўналишдаги масалалар ечимига инновацион ёндашув ўз самарасини бераётир.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига асосан рўёбга чиқарилаётган "Хом ашёни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларини (Қалмоққир, Саричўққи, Мис бойитиш фабрикаси, Автомобиль транспорти бошқармаси, Темир йўллар транспорти бошқармасини) кенгайтириш" инвестиция лойиҳаси ҳам айни шу мақсадларни кўзда тутади. Айни пайтга келиб унинг дастлабки самаралари бўй кўрсатмоқда. Хусусан, яқинда лойиҳа доирасидаги биринчи иншоот фойдаланишга топширилди. Бу эса Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси эришган яна бир катта ютуқ бўлди.

Айтиш жоизки, комбинатнинг Саноат темир йўл транспорти бошқармаси ишчилари меҳнати туфайли "Қалмоққир" кони "Развязка" постигача бўлган табиий шарт-шароити оғир ҳудуд икки қатновли айланма темир йўл ҳамда замонавий электр тармоқларига эга бўлди. Ўз навбатида, бу ердаги сигнализация-марказлаштириш-блокировка тизими сўнгги авлод алоқа мосламалари билан жиҳозланди. Энг асосийси, мазкур лойиҳа устида ишлаган муҳандис-қурувчилар жамоаси объектни белгиланган муддатидан анча аввал фойдаланишга топширишга муваффақ бўлди.

Албатта, нотекис тоғ шароитида мукаммал пўлат изларни ётиқизишнинг ўзи бўлмайди. Тажрибали темир йўлчилар эса бунинг уддасидан чиқишди. Натижада 7,9 км. масофада янги транспорт қатнови учун имконият яратилди. Шунингдек, лойиҳа доирасида 9 та йўлўтказгич ҳам қад ростлади. 45,35 километрдан зиёд масофага кабеллар ётқизилди. Бунинг учун қурилиш-монтаж ишларига жами 34 млрд. 097 млн. сўм маблағ сарфланди.

Хўш, лойиҳа самараси, энг аввало, нимада кўзга ташланади? Комбинат мутахассислари буни қуйидаги рақамлар билан изоҳлашди: "Қалмоққир" кон бошқармасидан рудаларни йиллик ташиш кўрсаткичи 30 миллион тоннадан 35 миллион тоннага етказилади.

Комбинат тасарруфидаги темир йўл иншоотининг тантанали очилиш маросимида бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ темир йўлчи ва қурувчилар комбинат раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси томонидан тақдирланди.

Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»).

Шерзод ТИЛОВБЕРДИЕВ олган сурат.

ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

Буюк Ғалаба. Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг инсоният учун ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган воқеликка берган баҳоси. У 75 йил аввал яқинлари ва она Ватани учун жонини қалқон қилган мард, довюрак инсонларнинг буюк жасорати эвазига қўлга киритилган.

Фашистлар билан бўлган даҳшатли уруш, катта йўқотишлар аллақачон мозийга айланган. Бироқ у билан боғлиқ воқеалар замондошларимиз хотирасида ҳамон барҳаёт. Чунки юртимизда ҳам мазкур урушдан азият чеккан, яқинларини йўқотганлар кўп. Ҳақиқий қаҳрамонлар эса ҳеч қачон унутилмайди.

"Халқ сўзи" газетаси Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг мард ўғлонлари ҳақида ҳикоя қилишни мақсад қилган. Бундай инсонлар ҳақида билиш, улар кўрсатган жасоратни ёд этиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Биринчи мақола фашистлар Германиясининг капитуляцияси ҳақидаги ҳужжатни Тошкентда ишлаб чиқарилган самолётда Берлиндан Москвага олиб келган биринчи ўзбек учувчиси Абдусамат Тайметовга бағишланади.

3-саҳифага қаранг

ҲАРБИЙЛАРИМИЗ РУҲИЯТИ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ОНГИГА СИНГДИРИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Жорий йилнинг 10 январь куни Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда давлатимиз раҳбари муҳокамалар марказига мутлақо янги йўналишдаги ғоя, яъни миллий армиямизнинг халқ ичига кириши ва армиядаги ғурур-ифтихор, ватанпарварлик ва синмас руҳиятни оддий халқимиз, айниқса, ёшларимиз онги ва қалбига етказиш энг олий вазифа эканлигини белгилаб бердилар.

Муносабат

Бу борада қилиниши керак бўлган ишларга бирма-бир тўхталар экан, тарихдан ва улуғ бобокалонларимиз ҳаётидан мисоллар келтириб, йўлдан адашган, иккиланиш туйғуси бор ёки уюшмаган ёшларни тарбиялашда руҳан бақувват, ватанпарвар ҳарбийларимиз — "эр йигитнинг эр йигит билан мулоқоти" воситасида аҳоли орасига кириши кераклиги айтилди.

Мазкур таъкид халқимиз мудофаа салоҳиятимиздан бохабар бўлиши кераклигига қатъий чорлов бўлди.

Президентимиз ҳар бир раҳбар олдига ўзим Ватан учун нима қиляпман ва қандай ишларни амалга ошираман, деган саволларни қўйишимизни ўқтирдилар.

"Армия моддий жиҳатдан энг замонавий ва зарур воситалар билан таъминланган бўлиши мумкин, лекин ахлоқий жиҳатдан заифлиги, жанговар руҳи, Ватанга содиқлик ва муҳаббат, унинг тақдири учун масъулият ҳисси йўқлиги ёки лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин", дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бу чорлов ҳар биримизни ўзлигимизга яна бир марта қайта боқиш, олиб бораётган ишларимизни Президентимиз томонидан берилган вазифаларга мослаштириш ва ҳар қандай ишда биринчи ўринда маънавиятга, атрофимиздаги тарбияга ва воқеликларга катта эътибор бериш кераклигига ундайди. Яъники, юртимиз равнақи ва иқтисодиётимиз ривожи учун хизмат қиладиган интеллектуал ёки инновацион фикр эгаларини тайёрлай олсаккина, мамлакатнинг инновацион ривожланишига эришамиз.

2

ХАЛҚ ВА АРМИЯ – БИР ТАНУ БИР ЖОН

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригини юртдошларимиз катта мамнуният билан кутиб олди. Унда сўз юритилган муҳим жиҳатлар ва миллий армиямиз салоҳиятини янада оширишга қаратилган устувор вазифаларнинг аҳамияти ҳақида ҳарбий хизматчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Дил сўзи

Мирзокул МАМАТМУСАЕВ, Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари, "Мардлик" ордени соҳиби:

— Табрикдаги "Жаҳондаги вазият шиддат билан ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол кескинлашиб, халқаро терроризм ва экстремизм хавфи ортиб бораётгани биздан халқаро ва минтақавий вазиятни ҳар томонлама таҳлил ва прогноз қилишни, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни кўришни талаб этмоқда", деган фикрлар жуда долзарб аҳамиятга эга.

Ҳақиқатан ҳам, бугун жаҳонда беқарорлик кузатилмоқда. Олдиндан айтиш қийин бўлган хавф-хатарлар пайдо бўляпти. Айниқса, инсон маънавиятига қарши таҳдидлар, "оммавий маданият" ниқоби остида турли ёт ғояларни сингдириш, ахлоқий бузуқлик ва зўравонликни тарғиб қилишга уринишлар кучаймоқда. Шундай мураккаб бир шароитда доимо огоҳ бўлиш, маънавий-маърифий ишларни изчил давом эттириш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ёшларимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Буларнинг барчаси тинчлик ва осойишталик, барқарорлик гарови экан, ҳаммамиз бу йўлда ҳамжиҳат бўлиб, эзгу ишларга ҳисса қўшишимиз талаб этилади. Касбимиз нуқтаи назаридан, бу борада бизнинг зиммамиздаги масъулият янада катта.

Шу ўринда айтиш жоизки, ислоҳотларнинг янги даврида мамлакатимизда "Жиноятчиликдан холи ҳудуд" тамойилига алоҳида эътибор қаратиляпти. Олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида ўтган йили вилоятимиздаги 718 та маҳалланинг 450 тасида жиноят содир этилмади. Термиз шаҳри ва Шўрчи туманида "Намунавий ҳудуд" концепцияси жорий этилиши туфайли бир қатор ижобий натижалар қайд этилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида "Жиноятчилик назорати масканлари" фаолияти йўлга қўйилгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

Жорий йилда ҳам айни шу йўналишдаги ишларни изчил давом эттириб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши профилактик ишларни янада жадаллаштириш ниятидамиз. Мақсадимиз — юртимизда, қўйингки, ҳар бир маҳалла, оилада тинчлик бўлишини таъминлаш, эл-юртимиз равнақи, халқимизнинг фаровон ҳаётини кафолатлашдан иборатдир.

Бу йилги байрам мен учун қўшалоқ келди. Давлатимиз раҳбари Фармонига биноан, "Мардлик" ордени билан тақдирландим. Бу юксак эътибор ва рағбат зиммамга катта масъулият юклайди. Билдирилган ишончни оқлаш йўлида бор билим ва салоҳиятимни ишга соламан.

Шокиржон ЙИГИТАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари, "Жасорат" медали соҳиби:

— Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Жасорат" медали билан тақдирланганим қалбимни тўлқинлантириб юборди. Албатта, бундан кейин ҳам хизмат вазифамни юракдан адо этишга, тинчлик ва осойишталигимизни таъминлашга ҳисса қўшишга ваъда бераман.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони таъкидлаганидек, кейинги йилларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида миллий армиямиз ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кучга айланиб бормоқда. Бу, табиийки, халқимиз, хусусан, ёшларимизда миллий армия билан фахрланиш ҳиссини ошираётир. Уларда ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, меҳр-муҳаббатни яна кучайтирмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 17-18 октябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантириш, бу борада Сурхон воҳасининг ўзига хос қадриятларидан фойдаланиш, бахшичилик санъатининг аҳамиятини кенг тарғиб этиш юзасидан топшириқ ва кўрсатмалар берган эди. Шунга биноан, "Китобхонлик ва китоб мутолааси", "От миниш маҳорати", "Бахшичилик ва достончилик санъати", "Тасвирий санъат" йўналишлари ҳамда "Амир Темир ўғлонлари" ва "Жалолиддин Мангуберди ворислари" каби кўрик-танловлар ўтказилгани ҳаммамизни қувонтирди. Бундай амалий тадбирлар бизни улуғ аждодларимиз анъаналарини давом эттиришга ундайди.

Бекзод ЭЛМУРОДОВ, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Навоий вилояти бошқармаси қутқарувчи-йўриқчиси, "Шуҳрат" медали соҳиби:

— Ватан ҳимоясидек муқаддас бурч ҳар биримизни жасурликка, ботирликка ва мардликка даъват этиши, шубҳасиз. Сарҳадларимиз тинч, осмонимиз мусаффо экан, давлатимиз куч-қудрати ҳам юксалиб бораверади. Ҳар биримизнинг қалбимизда, энг аввало, ватанпарварлик туйғуси, юртга садоқат ҳисси жўш уриши миллий ифтихор ва миллий ғуруримиз рамзидир.

Мен Ватан ҳимояси деганда, нафақат сарҳадларимиз, балки ҳар бир фуқаро, ҳар қарич тупроғимиз ва ўлмас анъана ҳамда миллий қадриятларимизни тушунаман. Уларни кўз қорачиғидек асраш ҳам барчамиз учун шараф ишидир.

Ўрни келганда айтиш керакки, биз, ҳарбий хизматчилар Юртбошимизнинг эътибор ва ғамхўрлигини доимо ҳис қилиб турамиз. Шунга муносиб бўлиш учун қатъий интиламиз.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 16 январь

ЭКСПОРТ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Ўзстандарт” агентлигига ҳудудий ҳокимликлар билан биргаликда 155 та фермер хўжалигида “Global G.A.P.” халқаро стандартини жорий этиш, Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи бозорлар талабларига мувофиқлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Экспорт фаолияти жозибадорлигини ошириш учун экспорт ва экспортолди молиялаштириш тизимини ташкил этиш, ташиш харажатларини қоплаш механизмини кенгайтириш борасида чора-тадбирлар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида инвестицияларни жалб этиш масалалари таҳлил қилинди.

Ўтган йили барча манбалар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестицияларнинг қарийб 30 фоизини тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ташкил этди. Саноати ривожланмаган, олис туманларга ҳам катта инвестициялар кириб борди. Умумий қиймати 5,4 миллиард доллар бўлган 145 та тармоқ ва 167 та ҳудудий лойиҳалар ишга туширилди.

Жорий йилдан бошлаб Инвестиция дастурлари янги тизим асосида ишлаб чиқилди. 2020 йил учун 1569 та хусусий ва тўғридан-тўғри инвестиция лойиҳалари рўйхати тасдиқланди. Мазкур дастурга асосан, шу йилда 233 триллион 200 миллиард сўм, жумладан, 7,1 миллиард доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарлари бу борада амалга ошириши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Тегишли вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига тармоқ лойиҳаларини ўз вақтида ишга туширириш бўйича жавобгарлик юкланди. Ҳудудларда амалга ошириладиган тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги ҳар бир лойиҳага республика идоралари раҳбарлари масъул сифатида бириктирилди.

Мутасаддиларга галдаги лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ишларини якунлаб, хорижий инвесторлар билан шартномалар имзолаш ва ижросини қатъий назоратга олиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Видеоселекторда жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳалар ижроси ҳам муҳокама қилинди.

Президентимиз бюджет маблағларининг самарали сарфланиши, белгиланган 2 минг 190 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатли бажарилишини қатъий назоратга олиш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда 372 та болалар боғчаси, 343 та мактаб, 228 та тиббиёт муассасаси, 61 олий ўқув юрти, 44 та спорт иншооти, 187 та ичимлик ва оқова сув тармоғи, 241 ирригация ва мелиорация объектида қурилиш-таъмирлаш ишлари белгиланган.

Ўтган йили бошланган лойиҳаларни сифатли амалга ошириш, янги объектлар бўйича тендер савдоларини якунлаш ва молиялаштириш юзасидан топшириқлар берилди.

Президентимиз инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш, инвестициялар самарадорлигини баҳолашда муаммолар сақланиб қолаётганини қайд этди.

Мутасаддиларга хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда тармоқлар ва ҳудудлар бўйича инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш, бунда жалб қилинаётган инвестициялар самарадорлиги ва иқтисодий-ижтимоий таъсирини баҳолаш, тўғридан-тўғри хорижий сармояларни йўналтириш учун етакчи соҳаларни белгилаш вазифаси қўйилди.

Инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришда, биринчи навбатда, инфратузилмага уланиш имкониятлари ва харажатларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан яна бири — маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш орқали ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Шу мақсадда 2019 йил якуни бўйича локализация доирасида 800 дан ортиқ лойиҳалар ишга туширилди. Хусусан, поливинилхлорид, катанка, электродвигатель, шиша идишлар, маиший техника, ҳар хил дори-дармонлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Жорий йилдан бошлаб маҳаллийлаштириш дастурини янгича ёндашувлар асосида шакллантирамиз, деди давлатимиз раҳбари.

Хусусан, 830 та лойиҳа доирасида 9 триллион сўмлик янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, “Ўзагротехсаноат-холдинг” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, шунингдек, Тошкент шаҳри, Фарғона, Хоразм, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари аниқ лойиҳаларни амалга оширишлари лозимлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳар бир вазирлик ва идора билан биргаликда бир ой муддатда 2020 йил маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, лойиҳаларни амалга оширишда асосий эътибор маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий самарадорлигига, таннархини камайтиришга қаратилиши керак.

“Ўзстандарт” агентлигига тадбиркорлик субъектларига импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши бўйича шахсий назорат ўрнатиш топшириғи берилди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатасига жойлардаги масъуллар билан биргаликда Республика саноат ярмаркаси доирасида тузилган шартномалар ижросини тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш чораларини кўриш вазифаси қўйилди.

Видеоселектор йиғилишида мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилди, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

ЎзА.

СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШНИ КЕЧИКТИРИШ

ёки бўлиб-бўлиб тўлаш қандай амалга оширилади?

Яқинда Президентимиз томонидан янги таҳрирдаги Солиқ кодекси имзоланиб, амал қила бошлади. Жорий йил 1 январдан кучга кирган мазкур ҳужжатда кўплаб ўзгариш ва янгиликлар ифодаланган барча солиқ тўловчиларнинг қизиқишини оширди.

Парламент ҳаёти

Шундай янгиликлардан бири янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан бир қатор махсус солиқ режимлари бекор қилинганидир. Яъни кодексга тадбиркорлик субъектлари учун ягона ижтимоий тўлов ўрнига ижтимоий солиқ, ягона солиқ тўлови ўрнига айланмадан солиқ, қатъий белгиланган солиқ ўрнига жисмоний шахсларнинг даромадларига, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда илгари берилган имтиёз ва солиқни ҳисоблаш хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда, қатъий белгиланган миқдорда солиқ жорий этилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида пулли ёки бепул асосда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган (комиссиялар) иштирокисиз солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этишнинг янги шаффоф механизми жорий қилинди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига асосан, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ер қаридан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва айланмадан олинадиган солиқлар бўйича — Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди. Бундай солиқларга нисбатан тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти икки йилгача муддатга берилиши мумкин.

Бундан ташқари, солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тадбиркорлик субъектларига табиий офат, технологик фалокат ёки бошқа бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар натижасида зарар етказилганда ҳамда бюджетдан (давлат мақсадли жамғармаларидан) молиялаштириш кечиктирилгани ёки давлат эҳтиёжлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эҳтиёжлари учун бажарилган ишлар ва (ёки) кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлашга кечиктирилган бўлса, қарз суммасига фоизлар ҳисобланмайди.

Агар тадбиркорлик субъектлари солиқни бир йўла тўлаши оқибатида унинг ночорлиги (банкротлиги) аломатлари пайдо бўлиши хавфи юзага келган, мулкий ҳолати солиқни бир йўла тўлаш имкониятини истисно этиши, товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш мавсумий хусусиятга эга экани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар олиб ўтилиши муносабати билан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тўланиши лозим бўлган солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш асосларига кўра берилган бўлса, уларга Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасига тенг ставкадан келиб чиққан ҳолда, қарз суммасига фоизлар ҳисобланади.

Аввалги солиқ кодексида инсофли солиқ тўловчиларга солиқ таътиллари, шунингдек, солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ҳукумат ёки у ваколат берган орган томонидан берилган эди. Бу эса, ўз навбатида, солиқларни тўлашни кечиктириш ҳуқуқини олиш учун солиқ тўловчиларга оворагарчилик ва ноқулайликлар келтириб, ортиқча қоғозбозлик талаб қилар эди. Шу сабабли, кейинги уч йил ичида солиқларни кечиктириш ҳуқуқидан ҳеч қайси тадбиркорлик субъекти фойдаланмаган.

Умуман олганда, янги таҳрирдаги Солиқ кодексида солиқ тўловчилар учун ижобий бўлган янгиликлар кўп. Унинг ижроси таъминланиши иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, аҳоли реал даромадлари ошишига, солиқ маъмуриятчилиги янада яхшиланишига хизмат қилади.

Шерзод ҲАСАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Девони Давлат бюджети бошқармаси бош маслаҳатчиси.

ҲАРБИЙЛАРИМИЗ РУҲИЯТИ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ОНГИГА СИНГДИРИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

1 Шундан келиб чиқиб, вазирлигимиздаги ҳар бир ёш мутахассис билан ишлаш, вазир ва ходимларнинг фарзандлари билан “икки томонлама мактуб орқали мулоқот” лойиҳасини амалга оширишни белгилаб олдик.

Йиғилишда ҳарбий салоҳиятни ошириш, замонавий технологияларни кенгроқ жалб қилиш, чегараларни қўриқлашни сим тўсиқлар билан эмас, замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация ҳамда робототехника технологияларидан фойдаланиб ташкил қилишга алоҳида урғу берилди. Энди жамоатчилик тартибини сақлаш бўйича ҳам илм-фанга асосланган тизим яратиш ва ахборот хавфсизлиги бўйича ишларни амалга ошириш юзасидан қатор топшириқлар берилди.

Вазирлигимиз Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий барқарорлик ва миллий хавфсизликни таъминлаш ҳамда миллий мудофаа қудратини янада юксалтириш мақсадида 2020 — 2030 йиллар учун “Сунъий интеллектни ривожлантириш миллий концепцияси”ни ишлаб чиқишга киришмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда биринчи марта сунъий интеллект йўналишида қатор илмий лойиҳаларга старт берилади. Ушбу саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз мудофаасининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
инновацион ривожланиш вазири.

ОАВ ҲАҚИҚИЙ «ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ» ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛИШИ ШАРТ

Сўз эркинлиги — инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири. Конституциямизда ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Бу эса юртимизда демократик жамият ривожланишининг муҳим кафолатидир.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади.

Нуқтаи назар

Юртимизда оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун қулай муҳит яратиш ниятида қатор ишлар қилинди. Биргина ўтган йилда ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида матбуотни ислоҳ этувчи Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бошқача айтганда, республикамизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Зотан, ОАВ демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи саналади. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни рағбатлантиради ҳамда мустаҳкамлайди. Шўролар даврида оммавий ахборот воситалари якка мафкурани сингдириш қуроли бўлиб хизмат қилгани ҳеч кимга сир эмас.

Сўз эркинлигини бўғаётган давлат ўз илдизига болта ураётган, хавф-хатардан огоҳ этадиган жарчининг овозини ўчираётган, ўзини фикрсизлик, турғунлик ўпқонига — таназзулга судраётган бўлади. Етакчи демократик давлатларда улар жамиятнинг “кўзлари”, “қулоқлари” вазифасини бажаради. Огоҳлантирувчи тизим сифатида улар жамиятдаги иллатлардан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларнинг турли ечимларини таклиф қилувчи қудратли кучга айланган. Бу тузумда оммавий ахборот воситалари, бир томондан, мунозаралар юритиладиган минбар бўлса, иккинчи томондан, фуқаролар учун холис ахборот олиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил бўлган тақдирдагина ижтимоий-сиёсий жараёнлар тўғрисидаги ҳақиқат ифода этилиши мумкин. Бинобарин, ОАВ эркинлигини кафолатлаш ва шу орқали муаммоларни кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиш, одамларнинг эркин фикр билдиришлари учун кенг йўл очиб бериш жамиятни эркинлаштиришнинг асосий тамойилларидан биридир. Оммавий ахборот воситалари том маънода “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилмас экан, демократик ислоҳотларнинг кечиши қийинлашади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, давлат ва жамият бошқарувида, кундалик фаолиятимизда очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кучайтириш мақсадида биз фуқароларнинг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий норманинг ижросини амалда тўлиқ таъминлашимиз зарур.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларни мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бўғинига ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Яхлит огоҳлантирувчи тизим сифатида оммавий ахборот воситаларини жамиятдаги иллатлардан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларнинг турли ечимларини таклиф қилувчи қудратли кучга айлантириш талаб этилади.

Мутахассисларнинг фикрича, ОАВ эркинлиги ва мустақиллиги уч омилга боғлиқдир. Булар, биринчидан, махсус қонунлар ва қоидаларнинг мавжудлиги, иккинчидан, ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитининг амал қилиши ва учинчидан, журналистларнинг касб маҳорати ва ўз сўзи учун масъулият даражаси.

Демак, аввало, оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил бўлиши керак. Бу — улар давлатдан мутлақо мустақил бўлиб, алоҳида шахслар қўлига ўтиб кетиши керак, дегани эмас. Гап мустақилликнинг энг юксак даражаси — ички мустақиллик ҳақида бормоқда. Оммавий ахборот воситаларининг бундай мустақиллиги журналистлар ижодининг эркинлиги, мавзу танлаш ва фикр беришдаги мустақилликда намоён бўлади. Бунда журналистнинг маъмурий иммунитетга эга бўлиши назарда тутилади.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг плюрализм тамойили асосига қурилиши ҳам демократия тараққиётига хизмат қилади. Бунинг учун қарама-қарши нуқтаи назарлардан иборат бўлган дастурларни яратиш, чиқишларда муқобил фикрлар тўқнашувига эришиш лозим. Шундагина оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш ва рағбатлантиришга қодир бўлади.

Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари мамлакатда сўз эркинлиги ва очиқлик сиёсати йўлга қўйилганини эришилган ютуқларимиздан бири сифатида эътироф этиб, “Катта раҳмат, оммавий ахборот воситалари ва блогерларга. Кўп-кўп нарсалар Ўзбекистонда очиқ айтиляпти, ҳамма буни кўриб турибди. Лекин битта нарсани билинглар, бу очиқлик ҳеч қачон орқага қайтмайди! Қанча кўп очиқлик бўлса, оммавий ахборот воситалари одамларимизга ҳақиқий муаммоларни қанча кўп етказса, мен раҳбар сифатида улардан миннатдор бўламан”, деб таъкидлаб ўтди.

Шу маънода, бугун фуқаролик журналистикасининг ҳар бир вакили, ҳар бир блогер тан олина бошланди. Жамоатчилигимиз анча фаоллашди, турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганяпти. ОАВ аҳоли билан ҳокимият ўртасидаги муносабатларда самарали воситачига айланмоқда.

Сўз эркинлиги — улкан масъулият. Унинг бошқа кишилар ҳуқуқларига дахл қилиш ёки демократик қадрият эканлигини ажратиб кўрсатадиган чегара қаердалигини, жамоатчилик назорати ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам ягона бир мақсадга, яъни халқимизни рози қилиш ва унинг турмушини яхшилашга қаратилганини ҳаммамиз бирдек англашимиз керак.

Нигора УМАРОВА,
сиёсий фанлар номзоди.

БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАР янада қисқартирилади

Бюрократия ҳар қандай жараённи, жадал ислоҳотларни тўхтатиб қўядиган иллатлардан бири эканини яхши биламиз. Афсуски, ҳозир ҳам мамлакатимиз давлат бошқарувидаги иш юритиш тизими тўлиқ янгиланганича йўқ. Бутун дунё ахборот технологиялари, инновациялар ва ишга замонавий ёндашув асосида илгорлаб кетган бир даврда, биз ҳали ҳам қоғозга кўмилиб яшаяпмиз, эскича иш услубларидан қутулолмаяпмиз.

Ташкилотлар ходимлари иш вақтининг катта қисми қоғоз тўлдиришга сарфланади, бирор давлат идорасига иши тушган фуқаро эса ҳали маҳалладан, ҳали таълим даргоҳидан, яна қандайдир ташкилотлардан маълумотномалар учун сарсон бўлиб вақтини ва асабини ҳайф қилади.

Ўйлаб кўринг, давлатнинг қанча ресурси шу қоғозларга сарфланяпти. Иш унумдорлиги ва самарадорлиги эса паст. Чунки бизда натижалар эмас, ҳисоботлар “гапиради”. Ҳисоботларда эса эришилган натижа эмас, қилинган иш кўрсатилади.

Ушбу вазиятни ўзгартириш, соҳадаги ана шундай муаммоларга ечим топиш, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида Президентимизнинг “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди.

Муносабат

Электрон шаклга кўчаётган бошқарув

“Ҳисобот раҳбариятни хабардор қилиш учун эмас, ҳисобот муаллифини ҳимоя қилиш учун ёзилади” деган эди АҚШ давлат котиби Дин Ачесон. Чиндан ҳам, ҳисоботлар, “докладной”лар, билдиргилар ва ҳоказо иш юритишнинг талай қоғозлари реал жараёнга фойдаси кам, аммо нимадир қилинди, деган иллюзияни яратишда самарали восита ҳисобланади. Бироқ энди ҳисоботлар билан алдаш даври тугади.

Қарорда белгиланганидек, Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда жорий йилнинг 1 мартига қадар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти бўйича зарур ҳисоботларни реал вақт режимида тузиш ҳамда 2021 йил 1 январга келиб қоғоз кўринишидаги бланклар, шакллар ва жадвалларни тўлдиришдан тўлиқ воз кечиш имконини берадиган, барча давлат органлари ва ташкилотларида ҳисобот ҳамда ҳужжат айланишини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритадиган бўлди. Яъни 2021 йилдан эътиборан давлат идораларида ҳар қандай ҳужжат алмашинуви электрон шаклга ўтказилади. 2020 йил 1 мартгача барча давлат хизматчилари ва раҳбарлар электрон имзо билан таъминланади.

Сўнгги йилларда рақамли технологияларнинг ривожланиши туфайли электрон ҳужжат алмашинуви ташкилотлар ишига ва оддий фуқаролар ҳаётига фаол кириб боряпти. Ушбу тизим бошқарув жараёнини оптималлаштириш орқали меҳнат самарадорлигини ошириш, коррупциянинг олдини олиш, ресурсларни тежаш имконини беради. Мазкур принцип асосида ишлаш шу пайтгача айрим йўналишларда жорий этилди ва ўзини оқлади. Хусусан, “Av-ijro”, “E-xat”, “Notarius” каби электрон дастурлар орқали бюрократия жараёнлари анча қисқарганини кўришимиз мумкин.

Электрон ҳужжат алмашинувининг афзалликлари кўп. Биринчидан, вақт билан бирга, жой, техника ва меҳнат ресурслари тежалади. Марказлашган маълумотлар базаси орқали эса ҳужжатни бир зумда топиш, захира нусха сақлаш мумкин, асосийси, у ҳеч қачон йўқолмайди. Қолаверса, уюм-уюм қоғозлар хоналарда тўпланмайди, архивлар учун махсус хона ва уларни сақлайдиган ходимларга ҳам зарурат қолмайди.

Учинчидан, давлат хизмати фаолияти шаффофлашади. Ҳар бир ҳужжат қанча муддатда тайёрланди, қачон тасдиқланди ва ижрога йўналтирилди, натижаси нима бўлди — барчаси тизимда ўз аксини топади. Яъни ҳеч нарсани яшириш ёки “айланиб ўтиш” имкони қолмайди. Ҳар бир ҳужжат устида амалга оширилган ҳар қандай хатти-ҳаракат учун масъул шахс аниқ бўлади. Қолаверса, давлат хизматчиларининг фаолияти самарадорлиги ортади, коррупциянинг олди олинади, харажатлар камаяди, қоғоз, принтер, почта маркаси, конвертлар, курьер хизмати кабиларга ортиқча маблағ сарфланмайди.

Ортиқча идораларга зарурат қолмайди

Ҳозирги кунда мамлакатимизда йигирмадан ортиқ вазирликлар, ўндан зиёд давлат қўмиталари, ўттиздан кўпроқ агентликлар ва яна бошқа ўнлаб инспекциялару идоралардан иборат жами 94 та давлат бошқаруви органи фаолият юритяпти. Бу жуда кўп, маъмурий аппарат кенгайиб кетмоқда.

Ушбу идора ва ташкилотлардаги ходимларнинг асосий вақти иш режалар бандларини ёпиш, ҳисобот ёзиш, хат чиқариш каби қоғозбозлик ишларига сарфланяпти. Бу ҳолатда стратегик ривожланиш устида ишлашга вақт ва ресурс кам қолиши табиий.

Шу боис қарорда ушбу масалаларга ҳам алоҳида урғу берилиб, эскирган бюрократик усулларда иш юритиш, қоғозбозлик, шунингдек, амалий аҳамиятга эга бўлмаган кўплаб йиғилиш ва мажлислар ўтказиш амалиётига чек қўйиш кераклиги белгилаб қўйилди.

Сир эмас, амалий аҳамиятга эга бўлмаган йиғилиш ва мажлислар кўпинча амалий аҳамияти паст тузилмалар томонидан ўтказилади. Шундай шароитда ушбу қарор давлат бошқаруви тизимини оптималлаштиришга қаратилган муҳим ҳужжат сифатида катта аҳамиятга эга.

Идоралараро коллегиал органларни қисқартириш, аввало, бюрократия ва мажлисбозликларни қисқартириш, дегани. Бу жараёнга давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 августдаги “Идоралараро коллегиал органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра киришилган эди. Ушбу ҳужжат билан 81 та идоралараро коллегиал орган қисқартирилган, яна 25 та шундай органнинг фаолияти эса оптималлаштирилиши белгилаб берилган.

Орадан ўтган бир йилдан ортиқроқ фурсатда Адлия вазирлиги томонидан яна ўнлаб шундай идоралараро органлар фаолияти натижадорлиги таҳлил қилиниб, самараси суст органларни тугатиш таклифи берилди. 2020 йил 1 январдан бошлаб яна 29 та идоралараро коллегиал орган тугатилмоқда.

28 турдаги маълумотномалар бекор қилинмоқда

Ҳозирги кунда ҳокимликлар зиммасида юзлаб вазифалар ва ваколатлар бор. Бир томондан юкламанинг катталиги, бошқа томондан чексиз ваколатлар ҳокимликлар иши самарадорлиги ва талабга мувофиқлиги даражасини пасайтириб юборди.

Қарор билан ҳокимликлардан 11 ваколат олиниб, тегишли идора ва ташкилотларга бериляпти. Энди ҳокимликлар ўзининг асосий вазифаси — халқ дардини тинглаш ва унга чора топиш билан шуғулланади. Янада аниқроқ айтсак, маҳаллий маъмурий бошқарув аппарати ўзининг бевосита вазифалари билан шуғулланади. Шу билан бирга, ҳужжатда фуқаролар учун ҳам кўп енгилликлар назарда тутилган. Масалан, эндиликда маҳалладан олинадиган 28 турдаги маълумотномалар бекор қилинмоқда. Яъни энди ушбу маълумотномаларни ҳеч бир ташкилот фуқаролардан талаб қилмайди.

Пировард мақсад — халқнинг давлат хизматларидан розилигига эришиш. Давлат идораларига иши тушган фуқаро профессионал, кўтаринки кайфиятдаги давлат хизматчиси билан мулоқот қилса, иши тез битса, ортиқча вақт сарфламаса, сарсон бўлмаса, албатта, инсонларнинг давлатга ишончи янада мустаҳкамланади.

Шаҳноза СОАТОВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими.

ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА КЕЧГАН УМР

ёхуд фашистлар Германиясининг капитуляцияси ҳақидаги ҳужжатни Берлиндан Москвага олиб келган биринчи ўзбек учувчиси Абдусамат Тайметовнинг қаҳрамонлиги ҳақида

Ўзбекистон ҳарбий авиацияси тарихидаги биринчи ўзбек учувчиси Абдусамат Тайметов умрининг кўп қисмини ҳаво йўлларида кечирган. Унинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида партизан бўлинмаларини ўқ-дорилар, озиқ-овқат, дори-дармонлар билан таъминлагани, ярадор аскарларни эвакуация қилгани бугунгача фахру ифтихор билан тилга олинади.

Асли сирдарёлик А. Тайметов 60 дан ортиқ қийин ва хавфли парвозларни амалга оширган, бунинг учун у II даражали Ватан уруши ордени ҳамда Польшанинг “Virtuti Militari” ордени билан тақдирланган.

— Уруш йилларида ҳамма бир мақсад — ғалаба учун биргаликда курашган, — дейди Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юрти ўқув бўлими бошлиғи, подполковник Николай Елисеев. — Курсантларимизга таълим берар эканмиз, ўша давр авиацияси ҳамда А.Тайметовни эслаб ўтмасликнинг иложи йўқ. Бу инсоннинг таваллудига бу кун юз йилдан ошди. Мана, бир аср ўтса-да, у кўрсатган жасорати билан хотирамизда яшамоқда. Бундан эса бўлажак учувчиларимиз ҳар қанча ибрат олса арзийди.

Абдусамат Тайметов деҳқон оиласида туғилган. Ота-онаси эрта вафот этгани боис бўлажак учувчи қариндошлари қарамоғида улғаяди. Ўй ишларида уларга ёрдам берар экан, чексиз самоларга нигоҳларини қадар эди. Юксак орзулар болакайни ўзига маҳлиё этади. У халқаро мактабда таҳсил олиб, ўқиш билан биргаликда “Ватанпарвар” мудофаасига ҳам кўмак бера бошлайди. Кучли билим ва қобилиятга эга А. Тайметов авиаклубда таълим олиш билан бирга, амалий кўникмаларини ҳам ошириб боради. У гуруҳда биринчи ўзбек парашютчи қизлари Оқила Атауллаева, Башорат Мирбобоева ва

кейинчалик рафиқаси бўлган Бибинисо Болтабоева билан бирга таълим олган.

А. Тайметов халқаро мактабни тамомлагач, Фуқаро ҳаво флоти учувчилар ва авиация техникаларининг учинчи қўшма мактабига қабул қилинди. У республика марказларини Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қозоғистон билан боғлайдиган ҳаво йўналишларида парвоз қилди.

Қаҳрамонимиз 1940 йилга келиб, бир ва кўп моторли самолётларнинг қатор моделларида уча бошлади — оддий “У-2”, “Як-12”дан “Дуглас”гача. Урушнинг бошиданоқ у ўқув эскадронига қўмондонлик қилди, 70 дан ортиқ жанговар учувчиларни ўқитди. 1944 йил февраль ойида ўз хоҳишига биноан 10-гвардия авиация дивизиясига юборилди.

Жанговар тажриба ва маҳоратини ҳисобга олган ҳолда, 1945 йил май ойида Тайметов экипажи зиммасига алоҳида муҳим вазифа юкланди — Москвага Германиянинг сўзсиз таслим бўлиши тўғрисидаги далолатномаси, мағлубиятга учраган Учинчи Рейхнинг стандартлари ва Ғалаба байроғини етказиб бериш вазифаси топширилди. Мазкур вазифани шараф билан уддалаган ўзбекистонлик учувчининг бу хизмати Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага қўшилган улуғ ҳисса эди. Бугунги кунда ушбу экспонатлар Москва музейида сақланади.

1945 йил май ойида Иккинчи жаҳон уруши якунланди. Ватанимиз ўз қаҳрамонларини тантана билан кутиб олди. Урушда ҳалок бўлган фарзандларини эса халқимиз ҳамон ҳурмат билан ёдга олади. Жумладан, 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунида уруш қатнашчилари алоҳида эсга олинади. Шу ўринда Абдусамат Тайметов ҳам биринчи ўзбек учувчиси сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этилади.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари кўргазма залларида мамлакатимиз ҳарбий тарихига оид 35 мингдан зиёд экспонатлар ва архив материаллари мавжуд. Музей экспозицияларидан бири ҳаво кучларига бағишланган. Бу ерда сурвиметр, кўзойнак ва қулоқчин, фотосуратлар, газета нашрларининг парчалари орасида учувчи ҳаётига доир кўплаб эсдаликларни ҳам учратасиз.

Маълумотларга кўра, урушдан кейин у 161-сонли эскадрон қўмондони бўлган. Тайметов 56 ёшида Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган, кейин Ўзбекистон фуқаролик авиацияси маъмуриятининг бош ҳуқуқшуноси маслаҳатчиси бўлиб фаолият юритган.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунида Қуролли Кучлар музейида бир гуруҳ ёшлар душман пистирмаларидан ҳайиқмаган, ҳамиша олға интилган А. Тайметов ҳаёти ва қаҳрамонликлари ҳақида таништирилди. Ҳавас ва ифтихор тўла нигоҳларга боқар эканмиз, келажак авлод юрагида умрини ҳаво йўлларида кечирган инсон сиймоси барҳаёт яшашини яна бир бор англадик.

Юлдуз ЎРМОНОВА
(«Халқ сўзи»).

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ ТРАНСФЕРИ НИМАСИ БИЛАН АФЗАЛ?

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, айниқса, ичимлик сувини тежаб ишлатиш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Инновацион ривожланиш вазирлиги мамлакатимизда сув ресурсларини тежаш, улар исроф бўлишининг олдини олиш мақсадида Исроилнинг “Maya International” компанияси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, шаҳар магистраль тизимларини таъмирлаш ишлари бўйича инновацион технологиясини трансфер қилиб, амалиётга жорий этяпти.

Изланиш

Ушбу лойиҳа магистраль қувурлар ўтадиган йўлларни тўсмасдан ва асфальтни бузмасдан қувурларни янгилаш имконини беради. Яъни компания мутахассислари сунъий йўлдош ёрдамида сув, канализация, электр кабеллари, телекоммуникация, газ қувурларининг жойлашган ўрнини аниқлаб, уларни харитага туширади. Мамлакатимизда мазкур ишлар турли вақтда, бир қатор ташкилотлар томонидан амалга оширилгани боис, уларнинг аниқ харитаси мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам бу лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш натижасида шаҳар инфратузилмаси тубдан яхшиланади, режалаштириш ва аниқ муаммоларни белгилаш имконияти вужудга келади. Бундан ташқари, газ, сув, электр тармоқларига ноқонуний уланиб олиш ҳолатлари бартараф этилади.

Келинг, бу ҳақда батафсилроқ маълумот бериб ўтсак. Янги технология ёрдамида қувурларни тиклаш қисқа вақт ичида амалга оширилади. Жумладан, 24 соат ичида тахминан 200 метрлик қувур тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Технологиянинг афзаллиги шуки, қувурнинг бир учидан юборилган махсус суюқлик қувурнинг деворларини қоплайди ва герметик сирт ҳосил қилади. Натижада унинг тешилган жойлари ҳеч бир ямоқсиз бутун ҳолатга келади. Қоплама ўз навбатида, бензин, кислоталар, ювиш ва бошқа кимёвий воситаларга чидамли бўлади. Айниқса, қувурларнинг ичидан таъмирланиши бюджет маблағларини тежайди.

Мазкур технология ёрдамида таъмирланган қувурлардан фойдаланиш экологик жиҳатдан зарар келтирмаслиги, одамлар саломатлигига ҳеч қандай хавф солмаслиги билан ҳам муҳимдир.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ушбу инновацион технологияни республикамизда кенг жорий қилиш ташаббуси билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига мурожаат йўллади. Вазирлик эса лойиҳани яқиндан қўллаб-қувватлаб, ҳаётга татбиқ этишга киришди.

“Maya International” ва “Сувсоз” ДУК томонидан “Maya international infrastructure” қўшма корхонасига асос солинди. Корхона ичимлик ва оқова сувларнинг сирқиб чиқиши, мақсадсиз сарф бўлиши ҳамда аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга оширади. Бунда лойиҳа учун 2020 йилда ажратилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 1 миллион АҚШ долларини, 2024 йилга қадар инвестициянинг умумий миқдори 5 миллион АҚШ долларини ташкил қилади.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, лойиҳа доирасида “ақлли” Wi-Fi роутер сув ҳисоблагичлари ва ҳисобкитоб тизимининг яратилиши кўзда тутилмоқда. Мазкур тизим глобал тармоққа уланади. У мижоз ва сув билан таъминловчи корхона ўртасида маълумот пакетларини компьютердан серверга (провайдерга) йўналтиради. Мижоз эса сарф қилган сув ҳажми тўғрисидаги маълумотни олади ва шунга мос тарзда тўлов қилади.

Албатта, бу инновацион технологиянинг қулайликлари кўп. Шунинг учун ҳам мутахассислар ва аҳолининг қизиқишларига сабаб бўлмоқда. Шу асосда яқин вақт ичида пойтахтимизда замонавий сув ҳисоблагичларни ишлаб чиқариш ва калибрлаш бўйича маҳаллий завод яратиш режалаштириляпти.

“Maya international infrastructure” қўшма корхонасининг изланишлари натижасига кўра, Тошкент шаҳрида 940 та қувур тешилиши ва сувнинг сирқиши ҳолатлари қайд этилган.

Таҳлилларга қараганда, пойтахтимизда умумий сув ишлаб чиқариш ҳажми йилига 726 885 097 м³, ўртача сув сарфланиши 177 934 480 м³ ни ташкил қилади. Шундан ичимлик сувининг йиллик техник йўқотилиши 31 366 922 м³, аҳолига йўналтирилган ичимлик сувининг сирқиб чиқиши ва сарф учун тўланмаслиги натижасида йўқотилиши 215 390 999 м³, яъни 31 фоиздан иборат экан. Қувур ўлчами 10 мм. дан катта ва тармоқдаги босими 4 баробар бўлганида ичимлик сувининг сирқиб чиқиши давомидаги молиявий зарар Тошкент шаҳри миқёсида 5,8 миллион АҚШ долларига етаркан.

Қисқача айтганда, юқоридаги лойиҳани амалиётга тезроқ татбиқ этиш ҳар жиҳатдан фойдалидир. Негаки, аввало, сув қувурларини таъмирлаш учун сарфланадиган бюджет маблағлари тежалади. Сув ресурслари мақсадсиз сарф бўлишининг олди олинади, аҳолининг сувдан фойдаланганлиги учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши таъминланади.

Жамолиддин БОБОХОНОВ,
Инновацион ривожланиш вазирлигининг Илмий ишланмалар ва технологияларни тижоратлаштириш ҳамда трансфер қилиш бошқармаси бошлиғи.

Бир марказда 120 дан ортиқ хизматлар

Самарқанд туманида Давлат хизматлари маркази замонавий бинода иш бошлади.

Қулайлик

Марказда адлия ва ФҲДЁ бўлимлари, нотариус ва Бош вазирнинг тадбиркорлар қабулхонаси ҳам жойлашган. Бу фуқароларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олади.

Бинода болалар, тиббиёт, инвесторлар хоналари мавжуд. Марказ бир вақтнинг ўзида 24 та қабул ойнасида мурожаатчиларга хизмат кўрсатади. Еттита мониторда 120 дан ортиқ давлат хизматлари юзасидан маълумотлар тақдим этилмоқда.

Бу ерда болалар ўйингоҳи, давлат божини тўлаш учун махсус касса ишлаб турибди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

Шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро автобус ҳамда йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.

2020 йил 19 февраль — **соат 10.00 да**

ВШ-709	«Тошкент — Янгиер» икки томондан
ВШ-713	«Тошкент — Зарафшон» икки томондан
ВШ-714	«Урганч — Бухоро» икки томондан
ВШ-723	«Наманган — Фарғона» икки томондан
ВШ-724	«Қўқон — Наманган» икки томондан
ВШ-735	«Қува — Шаҳрихон» икки томондан
ВШ-743	«Манғит — Урганч» икки томондан
ВШ-748	«Урганч — Нукус» икки томондан
ВШ-753	«Наманган — Андижон» икки томондан
ВШ-778	«Пахтаобод — Тошкент» икки томондан
ВШ-783	«Тошкент — Каттақўрғон» икки томондан
ВШ-797	«Тошкент — Жиззах» икки томондан
ВШ-805	«Усмат — Самарқанд» икки томондан
ВШ-809	«Зиёдин — Навоий» Зиёдин томондан
ВШ-817	«Тошкент — Зомин» икки томондан
ВШ-824	«Тошкент — Гагарин» икки томондан
ВШ-829	«Булунғур — Усмат» икки томондан
ВШ-841	«Арнасой — Тошкент» икки томондан
ВШ-845	«Зарафшон — Самарқанд» икки томондан
ВШ-879	«Хатирчи — Тошкент» Хатирчи томондан
ВШ-894	«Тошкент — Жўш» икки томондан
ВШ-896	«Самарқанд — Учқудуқ» икки томондан
ВШ-899	«Боёвут — Бекобод» икки томондан
ВШ-922	«Навоий — Қарнаб» икки томондан
ВШ-946	«Муборак — Бухоро» икки томондан
ВШ-970	«Гулистон — Гагарин» икки томондан
ВШ-973	«Пахтаобод — Жиззах» икки томондан
ВШ-978	«Пахтаобод — Зомин» икки томондан
ВШ-988	«Тошкент — Термиз» икки томондан
ВШ-1022	«Тошкент — Денов» икки томондан
ВШ-1026	«Ургут — Урганч» икки томондан
ВШ-1033	«Тошкент — Нукус» икки томондан
ВШ-1056	«Тошкент — Хўжайли» икки томондан
ВШ-1081	«Қўнғирот — Тошкент» икки томондан
ВШ-1091	«Тошкент — Шеробод» Тошкент томондан
ВШ-1094	«Тошкент — Тўрткўл» Тошкент томондан
ВШ-1097	«Тошкент — Шофиркон» Тошкент томондан
ВШ-1098	«Ғиждувон — Навоий» икки томондан
ВШ-1108	«Тошкент — Бойсун» икки томондан
ВШ-1111	«Мирбозор — Тошкент» Мирбозор томондан
ВШ-1116	«Тўрткўл — Питнак» Тўрткўл томондан
ВШ-1118	«Тўрткўл — Саримой қишлоғи» икки томондан
ВШ-1128	«Тошкент — Чироқчи» икки томондан
ВШ-1129	«Булунғур — Камар қишлоғи» икки томондан
ВШ-1130	«Тошкент — Чимбой» икки томондан
ВШ-1132	«Беруний — Урганч» Беруний томондан
ВШ-1138	«Тошкент — Қизилтепа» икки томондан
ВШ-1142	«Булунғур — Тойпоқсой маҳалласи» икки томондан
ВШ-1145	«Пахтакор — Навоий» икки томондан
ВШ-1154	«Жўйлангар — Ховос» икки томондан
ВШ-1158	«Тупроққалъа — Тўрткўл» икки томондан
ВШ-1160	«Хатирчи — Кадан» икки томондан
ВШ-1161	«Гурлан — Манғит» икки томондан
ВШ-701Т	«Тошкент — Бухоро» икки томондан
ВШ-702Т	«Тошкент — Самарқанд» икки томондан
ВШ-927Т	«Тошкент — Қоракўл» Тошкент томондан
ВШ-988Т	«Тошкент — Термиз» Тошкент томондан
ВШ-1056Т	«Тошкент — Хўжайли» икки томондан
ВШ-702-ЙТ	«Тошкент — Самарқанд» икки томондан
ВШ-732-ЙТ	«Қарши — Бухоро» Қарши томондан
ВШ-735-ЙТ	«Шаҳрихон — Қува» Шаҳрихон томондан
ВШ-753-ЙТ	«Наманган — Андижон» икки томондан
ВШ-783-ЙТ	«Тошкент — Каттақўрғон» икки томондан
ВШ-788-ЙТ	«Гулистон — Тошкент» икки томондан
ВШ-809-ЙТ	«Навоий — Зиёдин» икки томондан
ВШ-835-ЙТ	«Андижон — Марғилон» Андижон томондан
ВШ-1098-ЙТ	«Ғиждувон — Навоий» икки томондан
ВШ-1100-ЙТ	«Булунғур — Гулбулоқ» Булунғур томондан
ВШ-1129-ЙТ	«Турон СФУ — Булунғур» Турон СФУ томондан
ВШ-1135-ЙТ	«Ширин — Бекобод» икки томондан
ВШ-1149-ЙТ	«Навоий — Деҳқонобод» Навоий томондан
ВШ-1150-ЙТ	«Наманган — Тошкент» икки томондан
ВШ-1151-ЙТ	«Фарғона — Тошкент» Фарғона томондан
ВШ-1152-ЙТ	«Қўқон — Тошкент» икки томондан
ВШ-1157-ЙТ	«Нукус — Урганч» икки томондан
ВШ-1159-ЙТ	«Бешариқ — Тошкент» Бешариқ томондан

Очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулки хатланган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича Идоралараро комиссия.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 23402000300100001010 ҳисоб рақами, шахсий ғазна ҳисоб рақамига 40141086042627734229672 79 (банк коди 00014, СТИР 201122919)га битта пакет учун 50 минг сўм, 2 та пакет учун 75 минг сўм ва ундан ортиқ пакет олишни истаса, ҳар бир тендер пакети учун 25 минг сўмдан ўтказиб, 2020 йил 14 февраль куни соат 18.00 гача буюртма беришлари ҳамда тендер ҳужжатлари пакетларини олишлари лозим.

Иштирокчи тендерда қатнашишдан воз кечганда, у томонидан олинган тендер ҳужжатлари пакети учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди.

Иштирокчи тендер таклифлари шаклини тўлдиришда, ўз таклифларидаги баҳо мезонларига алоқаси бўлмаган маълумотларни қўшмасдан, фақат сўралаётган баҳо мезонлари бўйича тўла ва мукаммал ахборот тақдим этишга мажбур.

Даъвогар тақдим этаётган тендер таклифлари у томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

Йўналишларда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш юзасидан тендер ғолиби билан шартнома камида 1 йилга тузилади.

Шартнома бўйича ишларнинг барча шартига ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда контрактнинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.

Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2020 йил 18 февраль куни соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили:
Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг мажлислар зали.

Маълумот учун телефонлар: 71-202-05-00 (182), 71-202-05-00 (139).

22R/

«ТУРОНБАНК» АТБ МЕБЕЛСОЗЛИК ТАРМОҒИ РИВОЖИ УЧУН КРЕДИТЛАР ЙЎНАЛТИРМОҚДА

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини кўрсата бошлади. Хусусан, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, уларнинг тури кенгаймоқда, энг муҳими, ишбилармонлик муҳити тобора яхшиланиб боряпти. Айниқса, мебелсозлик тармоғида ўз ўрнига эга бўлган замонавий корхоналар томонидан тайёрланаётган сифатли ва бежирим уй-рўзғор, ошхона, офис, мактаб мебеллари хорижнинг энг нуфузли брендларидан асло қолишмайди.

Реклама ўрнида

Молия муассасаларида

Бунда эса, албатта, маҳсулотларни тайёрлашда ишлатилаётган сифатли хом ашёларнинг ўрни муҳим. Мебелнинг чидамлилигини таъминлаб берувчи асосий воситалар — пенополиуретан ва поролон маҳсулотлари шулар жумласидандир. Аввалари чет элдан олиб келинган ушбу материаллар айни пайтда ўзимизда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилаётир.

Бунга мисол сифатида “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида 2017 йилдан буён фаолият олиб бораётган “Simakx-pars plyus” масъулияти чекланган жамиятини келтиришимиз мумкин. 4 гектарлик майдонда жойлашган заводда 20 хилдан ортиқ турли кўринишдаги поролон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Тадбиркорлик субъекти раҳбарининг сўзларига кўра, “Туронбанк” АТБнинг 2 миллион долларлик молиявий кўмаги корхона ривожига катта туртки бўлди. Ажратилган маблағлар эвазига замонавий ва барча стандартга тўлиқ жавоб берадиган юқори қувватли технологиялар Германия ва Хитой давлатларидан олиб келинди. Тайёр маҳсулотнинг ҳажми ойига 200 тоннадан 1300 тоннагача ошди. Энг муҳими, 100 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Қўшни давлатларнинг мазкур товарга бўлган қизиқиши ортиб боряпти. Жумладан, бу бўйича Тожикистон Республикаси билан экспорт шартномалари имзоланди.

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда мебель ишлаб чиқариш шу даражада тараққий этдики, кўп ҳолларда одамларимиз Италия, Хитой, Германия каби давлатларнинг машҳур брендларини эмас, балки “Made in Uzbekistan” ёрлиғи остидаги маҳсулотларни харид қилишга интилмоқда, — дейди “Simakx-pars plyus” МЧЖ раҳбари Сиддиқжон Зокиров. — Бу эса биз каби тадбиркорлар учун замон билан ҳамнафас бўлиш вазифасини юкламоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда корхонамиз мебеллар учун поролон ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Талаб ва таклифнинг ошиб бориши натижасида “Туронбанк” АТБнинг молиявий кўмаги билан ишлаб чиқариш қувватини оширдик ва маҳсулотларимизни экспорт қила бошладик. Ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичи ёнғин ва техника хавфсизлиги меъёрларига риоя қилинган ҳамда сифати синчковлик билан текширилган ҳолда бажарилади. Келгусида ҳам молия муассасаси билан ҳамкорликни изчил давом эттириб, шундай поролонларни автомобиллар учун ҳам тайёрлашни режалаштирмоқдамиз.

Мамлакатимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган мазкур корхона жамоаси ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли эҳтиёжларига мос ҳамда экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтириш бўйича ҳаракат қилмоқда.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ БАНКИ ТУФАЙЛИ ТАДБИРКОР БЎЛДИМ»

Мамлакатимиздаги энг катта инфратузилмага эга молия муассасаси мижозлари унинг хизматларидан рози.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори молия муассасалари фаолиятини бутунлай янги босқичга олиб чиқди. Бинобарин, ушбу ҳужжат туфайли банклар эшиги аҳоли ва мижозлар учун, том маънода, кенгроқ очилди. Одамлар банкларга иккиланмасдан кела бошлади, уларга нисбатан ҳақиқий хизмат кўрсатиш объекти сифатида қараш шакланди. Табиийки, бунда тижорат банкларининг янада фаоллашгани, мижоз манфаатига мос сифатли хизмат кўрсатилаётгани қўл келди.

Дарҳақиқат, бугун банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатлари таъминланишида муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, молия муассасалари томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг моддий эҳтиёжларини таъминлаш борасидаги дастурлар учун йўналтирилаётган сармоялар амалда ўз самарасини кўрсатаётгани диққатга сазовор. Юртимизнинг барча ҳудудини қамраб олган ва энг катта инфратузилмага эга Халқ банкининг бугунги фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Зеро, у халқ орасига том маънода кириб бораётган, аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаётган етакчи молия муассасаларидан бирига айланаётгани айни ҳақиқат.

Бу ҳали дастлабки натижалар

Халқ банки ўз фаолиятида капиталлашувни янада кучайтириш, инвестициявий фаолликни юксалтириш, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шундан келиб чиқиб, 2019 йилда банк томонидан хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳамда уларни иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ҳукумат кафолатисиз банк ташаббуси билан 8 та халқаро молия институтининг 9 млн. АҚШ доллари ҳамда 197 млн. евролик кредит линиялари жалб қилинганини шундай саъй-ҳаракатларнинг амалий самараси дейиш мумкин. Жумладан, АҚШнинг “Cargill Inc” компаниясидан 55 млн. евро, Германиянинг “Berliner Sparkasse” банкидан 30 млн. евро ва “ODDO BHF” молия муассасасидан 50 млн. евро, Россиянинг “Азия Инвестбанк”идан 4 млн. доллар ҳамда “Транскапиталбанк”дан 5 млн. евро, Хитой Эксимбанкидан 5 млн. АҚШ доллари, Австриянинг “Raiffesen Bank International”идан 10 млн. евро, шунингдек, Польшанинг “Bank Gospodarstwa Krajowego” банкидан 20 млн. евролик кредитлар жалб қилиниб, миллий иқтисодиётимиз ривожи учун йўналтирилмоқда.

Хусусан, мазкур ресурс маблағлари ҳисобидан мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг 177 та лойиҳасига 76,9 млн. АҚШ долларидан зиёд кредит ажратилди. Жумладан, замонавий иссиқхоналар ташкил қилиш учун 97 та лойиҳага 58 млн. АҚШ доллари, мева-сабзавотларни сақлаш учун совиткичли сиғимлар ташкил этиш мақсадида 52 та лойиҳага 13,6 млн. АҚШ доллари, интенсив боғ барпо этиш учун 5 та лойиҳага 2,2 млн. АҚШ доллари, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва қадоқлаш учун 13 та лойиҳага 2,6 млн. АҚШ доллари ва бошқа йўналишлар учун 10 та лойиҳага 450 минг АҚШ долларидан ортиқроқ маблағлар ажратилди. Бу эса қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлар имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, банк томонидан якунига етган йилда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида хорижий молия институтлари сармоялари ҳисобидан 711 лойиҳага 99,2 млн. АҚШ долларидан ошиқроқ маблағлар йўналтирилди. Шунинг 80 млн. АҚШ доллари қорамол сотиб олишга қаратилган 567 та лойиҳага берилган бўлса, 2,4 млн. АҚШ доллари 18 та лойиҳага қўй-эчки сотиб олиш учун тақдим этилди. Мазкур йўналишда техника харид қилишга 84 та лойиҳага 7,5 млн. АҚШ доллари ҳамда асбоб-ускуналар ва бошқа зарур жиҳозлар сотиб олиш учун 42 та лойиҳага 9,3 млн. АҚШ долларидан зиёдроқ маблағлар йўналтирилди.

Шу билан бирга, банк томонидан саноат соҳасидаги 77 та лойиҳага 148,7 млн. АҚШ доллари, транспорт соҳасидаги 99 та лойиҳага 19,8 млн. АҚШ доллари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги 21 лойиҳага 5,9 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

Бизнес бошламоқчимисиз, бизга мурожаат қилинг!

Кейинги йилларда мамлакатимизда чорвачилик ривожига алоҳида эътибор бериляпти. Бунда Халқ банки муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Халқ банки ва бошқа тижорат банклари томонидан 2019 йилда республикамиз бўйича чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича 1 трлн. 340 млрд. сўмлик 865 та лойиҳани молиялаштириш ҳисобига четдан жами 365 034 бош чорва моли олиб келинди. Натижада 5 600 та иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, ажратилган 94,1 млрд. сўмлик кредитлар ҳисобига четдан яна 17 512 бош қорамол олиб келиниши режалаштирилмоқда. Бу борада айни пайтда ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик тузилмалари билан фаол ҳамкорлик олиб бориляпти.

Эътироф этиш керакки, ҳозирги кунда бу йўналишда тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва мазкур соҳага қизиқиш билдираётган ишбилармонларимиз сафи тобора кенгайиб бораётир. Мисол учун, Бахмал туманидаги “Бахмал милк” фермер хўжалигида йигирмага яқин кишилар меҳнат қилмоқда. Фермер хўжалигига Халқ банкининг Бахмал филиали томонидан Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит линияси орқали 245 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит берилган эди. Мулкдор ушбу сармояга Германиядан 141 бош наслли қорамол олиб келди.

— Мазкур кредит туфайли ишимизни йўлга қўйиб олдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Шавкат Халилов. — Шу билан бирга, чорва комплексини янада кенгайтириш борасида олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Аввало, яна 400 бош қорамол олиб келишни режалаштиряпмиз. Албатта, бунда ҳам Халқ банки кўмагига таянамиз. Эндиликда сутни қайта ишлашни ҳам ўзимизда ташкил қилишни мўлжаллаяпмиз. Агар бу мақсадларимизни рўёбга чиқарсак, яна 60 кишининг бандлиги таъминланади.

Германия ва Австриядан келтирилган наслли қорамолларни ўзимизда кўпайтириш ниятидамиз. Бу лойиҳамиз ҳам рўёбга чиқишига ишончим комил. Чунки бизни Халқ банки доим молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ушбу молия муассасаси ёрдами туфайли европалик ҳамкорларимиз билан шартнома шартлари юзасидан музокаралар олиб боряпмиз. Энг муҳими, Халқ банки кўмаги билан ҳақиқий тадбиркор бўлдим!

Халқ банки Термиз шаҳар филиали мижози “Сурхон чорва насл” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Яъни филиал томонидан жамиятга хорижий кредит линияси ҳисобидан ажратилган 2 млн. АҚШ доллари эвазига Австриядан 219 бош наслли қорамол келтирилди. Бундан ташқари, жорий йилда ушбу давлатдан яна 184 бош наслли қорамол ҳамда Туркиядан сутни қайта ишлаш ускуналари келтирилади. Корхона томонидан йилига қиймати 20 млрд. сўмлик 4 минг тоннага яқин сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Жами яратилаётган иш ўрни эса 35 тани ташкил этади.

Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги “Зиёда” фермер хўжалигининг чорвачилик фермасида 40 та янги иш ўрни яратилган.

— Лойиҳамизни рўёбга чиқаришда Халқ банки томонидан ажратилган 2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит айни муддао бўлди, — дейди ферма раҳбари Иброҳим Абдураҳмонов. — Фермамизда кунига ўртача 10 тонна сут соғиб олинади. Келажакда ушбу сут маҳсулотларини қайта ишлашни ҳам режалаштирмоқдамиз.

Рақамлар аниқ самарани ифодалайди

Бугун юртимизда оилаларда тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали одамларимиз даромадини кўпайтиришга устувор мақсад сифатида қаралмоқда. Зеро, ушбу йўналишда АТ Халқ банки томонидан 2019 йилда айнан оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашга устуворлик берилди. Жумладан, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури бўйича 101 176 та оилага 1 798 330 млн. сўмлик кредит ажратилгани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 5 419 та лойиҳага 96 577 млн. сўм маблағ берилди. Бу ҳам 5 304 одамнинг иш билан таъминланишида айни муддао бўлди.

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 4 246 лойиҳага 81 242 млн. сўм маблағ ажратилиб, натижада 4 246 иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, “Ёшлар — келажагимиз” жамғармасидан Давлат дастуридаги тадбирларни молиялаштириш доирасида банкимиз томонидан 2018-2019 йиллар учун манзилли рўйхатга асосан, ўтган йили 3267 нафар ёш тадбиркорга 542 млрд. 228 млн. сўмлик кредитлар тақдим этилди. Натижада 9917 та иш ўрни яратилди.

- 2019 йилда Халқ банкининг ўз маблағлари ҳисобидан **36 703 нафар** тадбиркор аёлга **615,2 млрд. сўмлик** кредит маблағлари ажратилди. Натижада **36 мингдан зиёд** иш ўринлари яратилди.
- Поёнига етган йилда банк томонидан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида хорижий молия институтлари сармоялари ҳисобидан **711 лойиҳага 99,2 млн. АҚШ долларидан** ортиқроқ маблағлар йўналтирилди.
- «Ёшлар — келажагимиз» жамғармасидан Давлат дастуридаги тадбирларни молиялаштириш доирасида банк томонидан 2018-2019 йиллар учун манзилли рўйхатга асосан, ўтган йили салкам **3267 нафар** ёш тадбиркорга **542 млрд. 228 млн. сўмлик** кредитлар тақдим этилди.
- «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури бўйича **101 176 та** оилага **1 798 330 млн. сўмлик** кредит ажратилди.
- Банк ташаббуси билан **8 та** халқаро молия институтининг **9 млн. АҚШ доллари** ҳамда **197 млн. евролик** кредит линиялари жалб қилинди.
- Банк томонидан саноат соҳасидаги **77 та** лойиҳага **148,7 млн. АҚШ доллари**, транспорт соҳасидаги **99 та** лойиҳага **19,8 млн. АҚШ доллари** ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги **21 лойиҳага 5,9 млн. АҚШ доллари** миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

Барқарор даромадингизни кафолатлаймиз

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлидаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Халқ банки ушбу Фармон ижроси доирасида хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг бизнесига кўмаклашишга катта аҳамият қаратмоқда. 2019 йилда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 36 703 тадбиркор аёлга 615,2 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, 36 мингдан зиёд иш ўринлари яратилгани, бунинг натижасида бюджетга 1,2 млрд. сўмлик солиқ тушумлари тушгани фикримиз тасдиғидир. Шу билан бирга, асосан, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 639 нафар тадбиркор аёлга 7,4 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Қисқа қилиб айтганда, акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш, мижозлар талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида барча имкониятни ишга солмоқда. Энг муҳими, бундай саъй-ҳаракатлар келгусида ҳам изчил давом эттирилади.

Юнус БЎРОНОВ,
Халқ банки матбуот хизмати раҳбари.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5 6